

ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТИЗИМИ: АЁЛЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА ОИЛА БАХТИ ГАРОВИ

Феруза Мухиддинова

Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда
жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 63-модда.

Аёлга бахт беринг, саодат беринг,
Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб.
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.

Жамият барқарорлигини таъминлашда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, аҳиллиги, иттифоқи катта аҳамиятга эга. Бунда ёши улуғларимизнинг ҳаёт тажрибаси, ўғитию масалаҳатлари, маҳалла, қўни-қўшничилик муносабатлари, босиқлик каби қадимий анъаналаримизни кенг тарғиб этиш ҳамда мазкур қадриятларни сақлаб қолиш давлатимиз равнақида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Зеро, оиланинг ўзи ҳам ватан ичра бир ватандир. Ватан эса, саждагоҳ каби муқаддасдир. Демак, оила ҳам муқаддас даргоҳ. Ахир, ҳар бир инсон ўз оиласининг файзли, фаровон ва мустаҳкам бўлишини истайди. Дарҳақиқат, Бугунги кунда Юртбошимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда. Янги уйғониш даври, аввало, илм-фан тараққиёти ва миллий маънавиятнинг мустаҳкамлигига боғлиқ экани аниқ. Шу боис, хотин-қизларнинг таълим олиши ва илм-фан соҳаларида фаол қатнашиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Жумладан, 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга қаратилган Миллий дастур ва унинг комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатлар асосида:

- Олий таълим муассасаларида ўқиётган хотин-қизлар учун 7 йилга фойзсиз таълим кредитлари ажратилади;
- Магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг шартнома тўловлари давлат томонидан қоплаб берилади;
- Хорижда таҳсил олиш учун ҳар йили 60 нафар хотин-қизга қўшимча грантлар ажратилади;
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларнинг контракт тўловлари маҳаллий бюджет маблағларидан қопланади;
- Олий маълумотга эга бўлмаган, лекин 5 йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қиз алоҳида тест синовлари орқали олийгоҳларга қабул қилинаётганининг ўзи ҳам имконият бўлса,
- Хотин-қизлар учун докторантурада мақсадли квота ажратилаётганининг ўзт илмий юксалиш учун пойдевордир.
- Хотин-қизларга мўлжалланган янги университет ташкил этилади;
- Давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тизими жорий этилгани маърифати, маънавият ва иқтисрдий юксалаётган аёлларимиз учун қулай имкониятлардир.

Шунингдек, хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб этиш мақсадида "Олима аёллар жамияти" ташкил этилиб, уни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бу кенг қамровли ислохотлар халқимизда азалдан шаклланган "Бир қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз" деган халқ ҳикматининг бугунги замонда ҳам ҳақиқий ифодасини топаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Хуллас, асрлар давомида аждодларимиз оилани муқаддас ва хотин-қизларни муқаррам тутиш ҳақидаги ғояларга амал қилиб келишган. Энг муҳими, бугунги кунда ўзимиз тарбиялаб, ўқитиб, ўстираётган ёшларимиз онгида оилани жамиятнинг устуни деб билиш, унинг равнақи, мустаҳкамлиги учун курашмоқ ўзбек халқининг азалий қадрияти эканлиги ҳақида тассвур шакллansa, албатта жамиятда оила муқаддаслиги таъминланади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ЮНИСЕФ тадқиқот марказининг (Innochenti) халқаро экспертлари Гвизер Рис (Gwyther Rees) ва Алессандро Карраро (Alessandro Carraro) кўп ўлчовли камбағалликни ўлчаш бўйича халқаро тажриба ва энг яхши амалиётлар бўйича маълумот берган, Грузия, Қозоғистон ва Черногориядан амалий мисолларни таҳлил этишган ҳамда халқаро экспертлар, шунингдек, дунёдаги кўплаб мамлакатлар Болалар фаровонлиги индексини муваффақиятли амалга ошира олмаганини ҳам таъкидлаб ўтишганди.

«Оила ёки боланинг фаровонлиги даражасини ўлчашга қизиқиш 1970 йилларда бошланган. Бу ЯИМ ва мамлакатнинг фаровонлиги ошиши билан боғлиқ. Фаровонлигини ўлчаш учун кўп ўлчовли ёндашув сўнгги 10 йил ичида жорий этилди», — деганди Гвизер Рис.

Инсон ёки оиланинг фаровонлиги ҳақида умумий эътироф этилган таърифнинг йўқлиги қайд этилган. Одатда, бу каби тушунча бир неча таркибий қисмлардан иборат: соғлиқни сақлаш, таълим, сифатли озиқ-овқат, уй-жой, бандлик ва бошқа шунга ўхшаш имкониятлар бўлса, Ўзбекистонда амалга оширилаётган мазкур ислохотлар оила фаровонлигининг юксалаётганига ҳуқуқий асосдир.

Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон президенти Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабзга бормаган оилалар кўп эканини қайд этиб, мамлакатда ҳар ойнинг битта шанба ва якшанбаси «оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш» кунини деб эълон қилинишини бежиз таъкидламади. Оила тинч бўлса, албатта бундай оилаларга саёҳат ҳам ярашади.

Бу кенг қамровли ислохотлар халқимизда азалдан шаклланган "Бир қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз" деган халқ ҳикматининг бугунги замонда ҳам ҳақиқий ифодасини топаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Хуллас, асрлар давомида аждодларимиз оилани муқаддас ва хотин-қизларни муқаррам тутиш ҳақидаги ғояларга амал қилиб келишган. Энг муҳими, бугунги кунда ўзимиз тарбиялаб, ўқитиб, ўстираётган ёшларимиз онгида оилани жамиятнинг устуни деб билиш, унинг равнақи, мустаҳкамлиги учун курашмоқ ўзбек халқининг азалий қадрияти эканлиги ҳақида тассвур шакллansa, албатта жамиятда оила муқаддаслиги таъминланади. «Аёл бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади!» Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аёлларнинг бахти асосига қурилмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий парламентида хотин-қизлар иштирокининг салмоғи БМТ тавсия этган даражага етди ва бу кўрсаткич 38 фоизни ташкил этмоқда.

Ушбу кунни "Оила кунини" деб эътироф этишдан кўзланган асосий мақсад – турли мамлакатлар оилаларида мавжуд бўлган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. Шу билан бирга, Халқаро оила кунини оилалар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва демографик жараёнларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда давлат ва жамият тараққиётида оиланинг тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш имкониятини яратади.

Ватан нимадан бошланади?" деган саволга ҳар бир ўзбек ҳеч иккиланмай оиладан деб жавоб беради. Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бири билан боғлиқ. Зотан, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топгани каби, оила ҳам маҳалла муҳитида вояга етади, нузли келажак сари интилади.

Зеро, ҳар бир шахс оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, мукаммал инсон саналмайди.

“Ҳаёт муаллимдир”, дейди доно халқимиз

Демак, оила барқарорлиги, мустаҳкамлиги юрт ҳамда миллат фаровонлигиги таянчидир.

Шу боис ҳам, қадим-қадимдан юртимизда оила институти масалаларига ҳамиша давлат сиёсати даражасида қаралган. Жумладан, илк ёзма манба “яратилган «Авесто»да оила мустаҳкамлиги, эрки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, отанинг оиладаги ўрни, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари қайд этилган. Эътиборли томони шундаки, зардуштийликда қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Зардушт таълимотига кўра, ҳар бир ота-она ўз қизи балоғат ёшига тўлгунча уй –рўзғор юмушларини билиши, эътиқодли, босиқ ва ҳаё-иболи, покиза қилиб тарбияланган бўлиши зарур. Шунингдек, оилада отанинг фарзанд тарбиясидаги роли, айниқса, қиз болага нисбатан тарбия талабларини зардуштийлик таълимотига кўра, Зардушт қизини турмушга бериш олдидан қуйидагича насиҳат қилишида кўриш мумкин. Жумладан, “Эй, Пручисто, эй, кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман, маздопарастлик динининг тарғиботчиси Жомаспни сенга жуфти ҳалолликка интиҳоб этдим. Энди сен ўзинг билан – ақлу фаросат билан маслаҳат қил, бу маслаҳатни қабул этсанг, поклик расми билан ақди никоҳ боғлаймиз”. Бўлажак келин-куёвларга эса, қуйидагича мурожаат қилган: “Энди мен сизларга шахсан мурожаат этаман: пандимга кулоқ солинг ва айтганларимни хотирангизга муҳрлаб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токи муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг”. “Авесто”нинг “Вендидод” қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳнинг бекор қилиниши сабаби ва шартлари таҳлил этилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, зардуштийларнинг олий илоҳи Ахурамазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга панд-насиҳатларида шундай дейилган: “Эй, Спитамон Зардушт! Мен оилани эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунё-ю у дунёда савоб ёғдираман», «уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳам мазҳабларнинг вазифасидир”. Зардушт дейди: “Эй, оила қураётган йигит-қизлар, сизларни огоҳлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида ғайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва яхши амал билан ўз ва оилангиз ҳаётининг мустаҳкам, хуррам ва саодатли ўтишига эришинг!” “Биз аёлларни ҳамиша ҳурмат қилганмиз” ва “Аёл ҳуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир” дейилади. Яштларда яна ўқиймиз: “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму-дониш ўрганишга киришсинлар. Зероки, улар ота-она манзилида бўлган вақтларида ота хонадонини тартибга солиб, зийнат бериб юрсалар, жуфти-ҳалоли манзилига боргач, бола тарбияси, келажак насли таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”. Ҳолбуки, ушбу ўғитлар бугунги кунда яна ҳам қадрлидир. Чунки қиз бола тарбияси унинг туғилишиданок бошланган ҳамда балоғатга етгач, уни турмушга бериш ота-она измида бўлиб, ота-онанинг бурчи, вазифаси ҳисобланган. Албатта, бундай эътибор орқали қиз бола ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиб ўсади. Бунда онанинг роли анча баланддир.

Балки шу учун ҳам аёл миллат маънавияти деб эътироф этилади. Ана шундай ўз қадриятига, миллий маънавиятига эга бўлган халқда имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Мансур, Мотурудий, Махмуд аз-Замахшарий каби кўплаб олиму, уламолар, шоиру-фузалолар дунёга келган ва жаҳон илми ривожига ўз ҳиссасини қўшишган.

Айнан, Шарқ Уйғониш даври қомусий олимлари томонидан яратилган илмий меросда оила масалалари алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, жаҳон илм аҳли томонидан тан олинган машҳур қомусий аллома ва мутафаккир Беруний асарларида хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идрокли, зукко бўлиши, оила тартибини сақлаш ва уни кузатиб бориши кераклиги қайд қилинади. Оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўқислигини таъминловчи, хотинига, фарзандларига меҳрибон, хушмуомалали, тўғри сўз бўлиш унинг фаровонлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Жамият ўзгараётган, онг янгиланаётган бир замонда яшаётган эканмиз, бу масалаларни ҳал қилишда кўпроқ эътибор аёл маънавиятига қаратилмоқда, десак хато бўлмайди. Ёки, умуман, аёл маънавияти қандай бўлиши керак ? Бу саволларга жавоб беришда магбаларга назар ташласак, “аёл” сўзининг маъносини англаб оламиз.

Арабча “аёл” сўзи – “оила” калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда “оила аъзолари” тушунчаси “аҳли аёл” бирикмаси билан ифодалангани шундан.

Чиндан ҳам, оиланинг файзу баракаси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Халқимиз бекорга аёлларимизни “уй бекаси”, “хонадон фариштаси” деб улуғламайди.

Демак, аёл маънавияти – оила маънавияти тушунчасининг асосий узвий қисми, деган гап. Фарзандни камолга етказиш оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат бундан бир аср илгари, аниқроғи, 1914 йили чоп этилган “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” деган асарида “Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади,”- деб ёзади.

Бу сатрлар ҳар бир она гарданига буюк вазифа ва масъулият юклайди. Шунингдек, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаган буюк татар маърифатпарвари Ризоуддин ибн Фахруддин “Оила” асарида: “Ҳар бир хотуннинг ақлини ўлчамокчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқинг!”- деган фикрни келтирган. Бола дунёга келган кунидан она бағрида ўсади. У илк сўзларни онасининг эркалашларидан, алласидан эшитади.

Фарзанддан оқибат кутмокчи бўлсанг, аввал ўзинг унга меҳр кўрсат, деган ҳикмат замирида олам-олам маъно яширин. Оқибат – биз учун ўта миллий қадрият. Ота-онасини елкачида кўтариб ҳажга олиб борган фарзандлар ҳам, ота-онасининг ризолигини олиш учун сафардан қайтган ёшлар ҳам шу замин аёлларининг меҳр-оқибатли фарзандларидар. Бу муқаддас аёл маънавиятининг беминнат меваси.

Ана шу мевага бугун эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам баланддир. Ўзбек аёлининг бебаҳо бойлиги миллий, шарқона маънавияти. Ҳаё, ибо, ифбат, фаросат, назокат, самимийлик, камтарлик, садоқат .. Ҳазрат Навоий ёзганидек: агар ёринг бевафо бўлса,зинҳор ўксима, чунки у санамнинг чиройида ҳам вафо йўқ, – бу гўзалликнинг ўзи ҳам, бари-бир, ўткинчи, дейди:

Эй Навоий, гар вафоси қолмамиш онинг санга,

Ғам емоким, анга ҳам ҳусни вафоси қолмамиш.

Аллоҳ аёл зотини шунчалар гўзал, назокатли хилқат қилиб яратганки, энди шунга шукр қилиб, бу ҳусну малохатни сақлай билиш, уни бозордан олиб бозорга солмаслик ҳам – буюк бир инсонийлик, юксак маънавият.

Бандасига берилган фазилат бир-бирини тўлдириб келади. Оқибатсиз, ҳаёсиз, уятсиз кишида орият, вафо бўлмайди. Буни Навоий ҳикматли байтида шундай ифодалаган.

Ҳаёсизда вафо йўқ,

Вафосизда ҳаё йўқ.

Аёлнинг вафоси – унинг поклигида эканлигига исбот керакмасдир.

Энди эътибор берсак, оила институти мустаҳкамлигига қаратилган ғоялар, қарашлар жуда кўпгина. Биз ҳозирча, айрим манбаларга эътибор бердик. Лекин ҳар манбада илгари сурилган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳимдир.

Йиллар ривожига қарасак, ҳатто бир неча маротаба юртимизда йилларга “Оила йили” сифатида қаралган. Ҳар бир ислоҳот оила манфаати йўлида амалга оширилган. Оилани мустаҳкамлаш дунё миқёсида бош масала даражасига кўтарилган муаммолардан биридир. Оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигига эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили Халқаро оила куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шундан буён бутун дунёда, жумладан юртимизда ҳам Халқаро оила куни кенг нишонлаб келинади. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда оила тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, барча ҳукукий асослар яратилганини таъкидлаш лозим. Айниқса, аёллар ва болалар манфаатлари, саломатлигини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Конституциямизнинг 14-бобида ҳам оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Оила кодекси ва бошқа қонунлар орқали ёш ва кўп болали аёлларни ишга қабул қилишда имтиёзлар белгиланган.

Юртимизда бирор бир кун йўқки, оила масаласига жиддий қаралмаса, 2017 йил Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Сочида ўтказилаётган МДХ аъзо давлатлари раҳбарларининг саммитида нутқ сўзлаб, кун муҳокамасига қўйилган мавзулардан бири, оила институти ва анъанавий оилавий қадриятлар бўйича билдирилган таклифларни қўллаб-қувватлашини таъкидлаб: "Замонавий глобаллашув шароитида биз ҳар бир давлатчилик асосида турган фундаментал қадриятлар ҳақида унутмаслигимиз лозим. Ўсиб келаётган ёш авлод айнан оилада руҳий тарбия олиб, масъулиятли бўлиб, атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлмасликни ўрганади. Мана шу муҳим йўналишда тўпланган тажрибаларни алмашиш мақсадида келаси йил Ўзбекистонда "Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда оила ва ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусида халқаро конференцияни ташкил этишни таклиф қиламан", деб фикр билдирганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги "Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий — ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қайд этилган қарорда шу каби муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилганининг ўзи ҳар бир маҳалла эндиликда хотин-қизларимизга алоҳида эътибор бериш заруратини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда ўзининг ибратли фаолияти билан эл назарига тушган хотин-қизлар Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таъсис этилган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан рағбатлантирилмоқда. Мукофот жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ҳамда болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга берилади.

Иккинчидан, давлатимиз томонидан оиланинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги асосий чоралар кўрилкоқда. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими: кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар учун моддий ёрдам, турар жой шароитларини яхшилаш, болали оилаларга нафақалар ва субсидиялар ажратиш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш: тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, микрокредитлар бериш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали оиланинг иқтисодий мустақиллигига эришиш ҳамда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши: ипотека дастурлари, арзон уй-жой қурилиши орқали оилаларнинг яшаш шароитларини яхшилашдир. Социал хизматлар: оилаларга психологик, юридик ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларининг ташкил этилгани амалий ислохотлардандир. Миробод туман кенгаши депутати сифатида айтишим мумкинки, оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар қабул қилиш ва уларни амалиётда тўғри татбиқ этилишини назорат қилиш — Олий Мажлиснинг муҳим вазифасидир. Бугунги кунда "Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонун, "Хотин-қизлар ва оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурлари" шулар жумласидандир. Шунингдек, парламент назорати механизмлари орқали маҳаллий ҳокимият органлари, ижро тузилмалари томонидан оилага оид давлат дастурларининг ижроси мунтазам ўрганиб борилади. Оила фаровонлиги — фақат шахсий бахт эмас, балки давлат барқарорлиги ва тараққиётининг ҳам кафолатидир. Конституциявий ҳуқуқий кафолатлар, иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари ва

парламент назоратининг уйғунлиги – оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ривожлантиришнинг асосий шартларидир. Ҳуқуқшунос сифатида таъкидлаш лозимки, оилавий муносабатлар ҳуқуқи — ижтимоий давлат барпо этиш жараёнида марказий ўрин эгаллайди ва бу соҳадаги ислохотлар ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаётига хизмат қилади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро билиши керак: унинг оиласи давлат ҳимоясида. Бу эса – Ўзбекистоннинг янги даврида инсон қадрини энг олий қадрият сифатида эътироф этишининг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, оналар ва гўдақлар ўлими қайд этилаётгани, ногирон болалар туғилаётгани – хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича амалий қилинмоқда. Шу боис оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида “аёллар маслаҳатхоналари” ташкил этилганлиги “Соғлом оила, соғлом она, соғлом бола- юрт равнақи” пойдеворини ташкил этади. Шу учун ҳам, хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак, деб эътироф этди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев. Оилага эътибор аслида бу ўзлигимизга эътибордир.

Оилалар тинчлиги мамлакат осойишталигининг гаровидир. Шундай экан, низоли оилаларга эътиборни кучайтириш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини юқори поғонага кўтариш, керак бўлса амалий ёрдам кўрсатиш бугун барчамизнинг биринчи даражадаги вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада ҳар бир оила, бува-бувижонлар, ота-она, маҳалла, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ягона мақсад йўлида жипсашмоғи лозим. Мақсад эса битта, оилалар тинчлиги ва мустақамлигига эришиш.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, юртимизда оила юрт ва миллат бойлиги сифатида уни янада мустақамлаш учун:

биринчидан, оила муқаддаслигига оид тарихий-миллий-маънавий назарий асосларни тўплаш ва кенг жамоатчиликка етказиш;

иккинчидан, никоҳга қириқчиларнинг ўзи оила қуришга нечоғли тайёрлигини аниқлаш ва никоҳ қуришдан олдин олдин бугунги кунда ажримларнинг сабаб ва оқибатлари, ажрим, етим қолаётган болаларнинг ижтимоий воқеликка муносабатлари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш, ҳамда бундай оқибатларнинг олдини олишда янги оилалар барқарор бўлиш тизимини яратиш;

учинчидан, оила ва никоҳ қоидаларини ўз ичига оладиган методик қўлланма яратиш, бу ишга таниқли ҳуқуқшуносларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир

Зеро бу ҳақда, “Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъй-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак. Оилага эътибор аслида бу ўзлигимизга эътибордир”, деган эди

2022 йил 9-мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида кўра, 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқилган эди. Агар бир эътибор берсак, ушбу Дастурдаги чора-тадбирларга яъни, улар қуйидагилар:

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланмоқда;

аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат, бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминланмоқда;

барча даражалардаги бошқарув тузилмаларида аёлларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларда ва жамоат бирлашмаларида аёлларнинг фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш;

оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини оширишни таъминловчи шарт-шароитларни шакллантиришга оид хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни кўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фойсиз таълим кредитларини молиялаштирилди;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартсиз қоплагани

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича – 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, оилада қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини оширилмоқда;

иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ;

гендер муаммолари, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгартиришларда ва жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда аёллар ролини ошириш бўйича илмий ва ижтимоий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ўз ичига олган.

Қувонарли томони ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича «Олима аёл» танловини ўтказилмоқда.

Албатта, ушбу Давлат дастурига киритилган ҳуқуқий асослар жамиятимизда аёлларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишга хизмат қилди, десак хато бўлмайди. Сабаби, бугунги кунда яратилган шарт-шароитлар аёлларимизнинг сиёсий соҳада ҳам фаоллашувида, жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишига замин яратдики, бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайловларда ҳам ўз ифодасини топди. Аёлларимизнинг Сенатда, Олий Мажлисида, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишларда, фан соҳасида, тиббиёт ҳамда санъат соҳасида эришаётган ютуқларини мисол келтирсак бўлади. Ўзбекистонда аёллар ҳам жамият, ҳам оила масалаларини англаган ҳолда, фарзанд тарбиясини, ёш авлод тарбиясини энг муҳим вазифа сифатида қараб, баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда иштирок этаётганликлари диққатга сазовордир. Зеро, ўзбек давлатчилиги тарихида аёлларнинг тутган ўрни ва роли бугунги кун учун ғоявий дастур вазифасини ўтмоқда, ҳамда бугунги аёлларимизнинг фаолияти эса ворийлик сифатида изчил давом этмоқда десак, хато бўлмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида 2023 йил 7-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида" ПҚ-46-сон қарорини кўрсатиш мумкинки, ушбу Қарорнинг мақсади ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда фундаментал аҳамият касб этади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда соҳада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2020-2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ушбу босқич ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш ҳамда инклюзив, тинч ва осойишта жамиятни яратишга имкон берувчи таълим

беришга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун эса, қарорда белгиланган вазифаларни келажакка жавобгарлик ҳисси билан ҳамкорликда, масъулият билан амалга ошириш лозим. вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилганидир.

Албатта, бундай шароитда, Тошкент давлат юридик университети хотин-қизлари, ҳуқуқшунос олимлари, бор куч-ғайратини, шижоатини, илмини баркамол авлод тарбиясига, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга муносиб хизматини қўшадилар, деган фикрдаман. Чунки, улар бугунни кунда ҳуқуқшунослик фанининг долзарб муаммоларини илмий-назарий муаммоларини тадқиқ этишда, тўпланган маълумотлардан эса, фан ютуқларини янада такомиллаштиришга жонқуярлик қилаётганликлари барчамизни қувонтиради. Фан номзодлари, фан докторлари, аспиранту ва магистрлар ҳуқуқий давлатнинг сўзи ҳам, кўзи ҳам, қуроли ҳам қонун бўлганидек, зукколик, ақлу-фаросатлик, сабр-қаноатлилиқ, адолатпарварлик ва маърифатпарлик билан фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган аёлларимиз давлат ҳимоясидалигидан фахрланамиз. Зеро, Амир Темур айтганидек, “бу замин аёллари ҳар соҳада етакчилик қила олади, бу замин аёлларнинг садоқати, меҳр ва зукколигини улуғлайди, шундай экан, аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат сиёсати даражасида билдим”.

Албатта, бунда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурида назарда тутилган вазифалар ёшларнинг таълим олиши, ҳуқуқларини билиши, мажбуриятлардан хабардор бўлишига хизмат қилади. Шу учун ижтимоий-гуманитар фанлар бугунги кунда ўта долзарб ва муҳим касб этади.

Дарҳақиқат, оилани мустаҳкамлашга хонадоннинг ҳар бир аъзоси масъулдир. Ҳар бир ажрим ортида, ёлғиз аёл, ёлғиз эркак, отасиз ё онасиз қолган гўдак, не-не умидлар билан совчиликка борган қайнона келинсиз, не умидлар билан қизини узатган она куёвсиз қолиб қўз ёш тўкиб қолганини унутмаслигимиз лозим. Тўғри, биз демократик давлат куриш йўлидамиз. Демократия дегани “Кўнгил истаганини қилиш эмас, қонун рухсат берган нарсани амалга ошириш”дир. Қонунларимизда бола ҳуқуқларининг кафолати белгиланган, демак, бола ота-онаси билан яшаш ҳуқуқига эга. Ажраб кетаётган ёшлар бола ҳуқуқларининг бузулишига олиб келмоқда.

“Баъзи ёшларимиз учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат”, деганди Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида.

Шунингдек, 2022 йил 20 декабрдаги парламентга мурожаатномасида таълим масаласига алоҳида эътибор қилиб, 2023 йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилиб: “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир!

Ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз керак”-деган фикрни бежиз илгари сурмади.

Хуллас, асрлар давомида аجدодларимиз оилани муқаддас ва хотин-қизларни муқаррам тутиш ҳақидаги ғояларга амал қилиб келишган. Ахир, оила халқимизнинг орияти, номуси, эркакларимизнинг ғурурию-қудрати, аёлларимизнинг бебаҳо бойлиги, фарзандларимизнинг насл-насаби, юрт ва миллат маънавияти бўлиб келгани барчамизга аёнку....

Энг муҳими, бугунги кунда ўзимиз тарбиялаб, ўқитиб, ўстираётган ёшларимиз онгида оилани жамиятнинг устуни деб билиш, унинг равнақи, мустаҳкамлиги учун курашмоқ ўзбек халқининг азалий қадрияти эканлиги ҳақида тассвур шаклланса, албатта жамиятда оила муқаддаслиги таъминланади.

Зеро суюкли шоирамиз "Меҳнат шўхрати" ва "Дўстлик" орденлари соҳибаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Зулфия Мўминова ёзганидек:

“Аёлга бахт беринг, саодат беринг,

Тоғ қимирлаб, тошлар сўзга кирса-да,
Аёлга бахт беринг, саодат беринг, —

Олтмишга кирса-да, юзга кирса-да. Юртида эъзозланган аёллар, опа-сингилларимиз миллат тарбиячилари бўлиш билан бирга эртамик юлдузларини тарбиялашади. Давлатимиз томонидан оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар оиланинг барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашда муҳим омил саналади. Конституциявий кафолатлар, Президент қарорида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва молиявий ресурслар хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради. Хотин-қизларнинг тадбиркорликка жалб этилиши, таълим ва соғломлаштириш соҳасидаги янги имкониятлар оиланинг иқтисодий мустақиллиги ва жамиятдаги фаол ўрнини мустаҳкамлайди. Бу эса жамиятнинг барқарор ривожланиши ва келажак авлоднинг мустаҳкам пойдевори сифатида хизмат қилади. Шунингдек, давлатнинг ҳуқуқий ва ижтимоий хизматлари орқали ҳар бир оиланинг ҳуқуқий аҳволи яхшиланмоқда, оилавий муносабатлар соғлом ва барқарор асосда шаклланмоқда. Шу боис, оиланинг фаровонлиги — миллий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ва барқарорликнинг асосидир. Давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари орқали оила мустаҳкамланиб, юртимиз равнақиға хизмат қилади. Бу иш биз учун фақат вазифа эмас — бу қарз, бу инсонлик. Эртага фарзандларимиз бахтли яшасин десак, бугун улар учун муҳаббат ва меҳр билан пойдевор қўйишимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистан. Т. 2021
2. 2022 йил 9-мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони.
3. 2023 йил 7-февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида" ПҚ-46-сон қарори
4. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси (Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Бўрибой Аҳмедовники). Ўзбек, француз, инглиз тилларида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.
5. Уложение Тимура (Тамерлана). Под.ред. Н.П.Остроумова. – Казань, 1894